

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗОКИРОВ ОТАБЕК ТОЛИБЖОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КОСМОСТРУКТУРАВИЙ ОБЪЕКТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР ЖОЙЛАШИШИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 550.814:[629.783:525]+551.24:553.041(-925.3)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Зокиров Отабек Толибжонович Марказий Осиёнинг космоструктурвий объектлари ва уларнинг фойдали қазилмалар жойлашишидаги аҳамияти	3
Зокиров Отабек Толибжонович Космоструктурные объекты Центральной Азии и их значение в размещении полезных ископаемых	25
Zokirov Otabek Tolibjonovich Cosmostructural objects of Central Asia and their value in the location of mineral resources	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	50

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗОКИРОВ ОТАБЕК ТОЛИБЖОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КОСМОСТРУКТУРАВИЙ ОБЪЕКТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР ЖОЙЛАШИШИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/GM30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Турапов Мирали Камолович геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсупов Шухрат Сакиджанович геология-минералогия фанлари доктори Карабаев Маматхон Садирович геология-минералогия фанлари доктори Султонов Пулатжон Салимович геология-минералогия фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017GM.40.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 й. «06» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49; факс (99871) 140-08-12; E-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (рўйхатга олиш рақами № 25). Манзил: 100060, Тошкент ш., Т. Шевченко кўч., 11а. Тел.: (+99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «24» июл куни тарқатилди.
(2019 йил «24» июлдаги 25 рақамли реестр баённомаси).

Р. Ахунджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.-м. ф.д.

К.Р. Мингбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Х.А. Акбаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, академик, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг тараққий этган давлатлари томонидан соҳаларга оид чексиз ахборот имкониятига эга бўлган рақамли фазовий зондлаш ва маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашиш мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий асосини мустаҳкамловчи минерал хом-ашё манбаини кенгайтиришда янада муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ёпиқ ва очиқ ҳудудлар бўйлаб истиқболли ҳалқасимон тузилмалар, линеаментларни аниқлаш, кам харажатли ноанъанавий услубларнинг самарадорлигини алоҳида ажралиб туриши билан фарқланади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида рақамли фазовий тасвирлар асосида ернинг геодинамик фаолияти ва сейсмотектоник ҳодисаларини аниқлаш, космоструктуравий объектлар ва уларни эндоген фойдали қазилмалар билан ўзвий боғлиқлигини, ҳамда тоғ жинслари, минераллар, ўсимликлар ва тупроқ қатламларини спектраль ёркинликларини қайд этиш орқали маъданга бой истиқболли майдонларни олдиндан аниқлаш, геологик-тузилмавий хариталарга янги маълумотлар киритишда ҳудудлардаги моддий-тузилмавий геообъектларни тарқалиш чегараларини аниқлаш, шунингдек ёпиқ ҳудудлардаги магматик жинсларнинг аномалияларини тасвирларда намоён этилишига доир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда конларни жойлашиш ва тарқалиш мезонларини аниқлаш бўйича муайян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, Чотқол-Қурама ва Ғарбий Ўзбекистон ҳудудларида космоструктуравий объектлар билан боғлиқ бир қанча истиқболли майдонлар ва башорат ресурслари аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал хом-ашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, космоструктуравий объектларда турли фойдали қазилма конларни жойлашиш ҳолатларини аниқлаш ва шу асосида истиқболли майдонларни белгилашга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 13 октябрдаги ПҚ-2589-сон «Ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 12 февралдаги Р-5209-сон «Ўзбекистон Республикасида фазовий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ер ва бошқа сайёралар космогеологиясини - ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар, тектоника, фойдали қазилма конлар ва уларни ташкил этувчи минералларнинг спектрометрик ёрқинлик коэффицентлари жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва марказларида, жумладан Helmholtz Zentrum Dresden Rossendorf (Германия), CSIRO Mineral Resources (Австралия), Department of Astronomy, Space Science and Geology, Chungnam National University (Жанубий Корея), Geological Survey of Namibia (Намибия), National Remote Sensing Centre Indian Space Research Organisation (Ҳиндистон), Минерал ресурслар институти, Тошкент Давлат техника университетиди (Ўзбекистон) кенг миқёсда илмий-изланишлар олиб борилмоқда.

Дунёда космоструктуравий объектлар ва уларнинг фойдали қазилмалар жойлашишидаги аҳамиятига оид олиб борилган тадқиқотлар асосида ижобий натижалар олинган, жумладан, гиперспектраль фазовий тасвирлар асосида Новит тоғида Pb-Zn минерализация майдонлари аниқланган (Helmholtz Zentrum Dresden Rossendorf, Германия; CSIRO Mineral Resources, Австралия); As, Pb учун башорат модели ишлаб чиқилган (Department of Astronomy, Space Science and Geology, Chungnam National University, Жанубий Корея); Эпембеда фтор, апатит ва карбонатларнинг потенциал бой зоналари аниқланган (Geological Survey of Namibia, Намибия); олтин, олмос, хромитга оид истиқболли зоналарнинг хариталари тузилган (National Remote Sensing Centre Indian Space Research Organisation, Ҳиндистон), олтин, кумуш, вольфрам ва бошқа элементларнинг башорат ресурслари ва истиқболли майдонлари аниқланган (Ўзбекистон).

Дунёда бугунги кунда Ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида хом-ашё базани кенгайтириш бўйича қатор устувор илмий йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жумладан ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар, фотоблоклар билан боғлиқ темир, титан, олтин, платина, олмос, нефть-газ конларини қидириш; маъдан минералларини масофадан зондлашга оид мукамал, ҳалқаро дастурлар яратиш ва олдиндан истиқболли зоналарни аниқлаш; ўсимлик ва тупроқларда As, Cr, Cd, Pb, Zn, Pb, Cu ва бошқа металларнинг концентрациясини аниқлаш; муайян майдонларда истиқболли космоструктуравий объектларни излаш ва уларнинг геологик тузилишини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиё худудида, муайян турдаги мавжуд ҳалқасимон тузилмалар (марказлашган, гумбазли ва ҳок.)

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:
<https://translate.googleusercontent.com>; <https://www.nrsc.gov.in>; <https://translate.googleusercontent.com>;
<https://www.mdpi.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ва линеаментлар, асосан ахборот даражаси ва миқёси чекланган аэросуратлар ёрдамида ўрганилганлигига қарамасдан, уларнинг келиб чиқиши, тузилиши, ривожланиши ва уларни металлогения билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги салмоқли фикр-мулоҳазалар, ҳамда юксак натижалар В.В.Соловьев, О.М.Борисов, А.К.Глух, Ш.Э.Эргашев, Б.С.Зейлик, Ю.И.Лошкин, В.И.Внучков, С.С.Шульц, В.Н.Козлов, Ф.М.Баязитова, В.С.Корсаков, А.Г.Гвоздев, Е.И.Барковская, Л.Н.Котляревский, Г.Д.Шмулевич, А.Б.Ражабов, А.А.Абдурахмонов, А.Р.Асадов, Ж.Т.Рискидинов, А.Қ.Нурходжаев, В.Х.Гатауллин, А.Р.Авезов, Р.Х.Саидгариев, М.Г.Поторжинский, П.Кронберг, Фам Суан Хоан, D.E.Wiekland, W.F.Brown, J.V.Cimino, D.L.Ewans, J.P.Ford, J.F.McCauley, J.Fischer, A.Fontanel & E.Voute, R.G.Blom, M.L.Brayan, M.I.Daily, D.H.Dixon ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Аввалги бажарилган тадқиқот ишларининг муҳим натижалари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ва маълум майдонларда интрузивлар, узилмали бузилмалар, минерагеник районлаш, ҳалқасимон тузилмалар ва линеаментлар, ҳамда уларни турли типларга тааллуқлилигини ажратиш, ҳамда уларни фойдали қазилмаларни назорат этишда ва истиқболли участкаларни баҳолашда ролини ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этган.

Эришилган муҳим ютуқларга қарамасдан, улкан ўлчамдаги ҳалқасимон тузилмаларни келиб чиқишини ўрганиш, ҳамда уларни регионда геодинамик воқелик ва фойдали қазилма конларни жойлашишини реал баҳолашда тутган ўрнини аниқлаш тўлиқ ҳал этилмаган.

Диссертант томонидан аввалги бажарилган тадқиқот натижалари чуқур таҳлилланган ҳолда, илк маротаба, Марказий Осиё ҳудуди миқёсида ва унга ёндош ва чегарадош бўлган ҳудудлар доирасида рақамли фазовий тасвирлар, ҳамда сунъий йўлдошдан олинган рақамли магнитометрик маълумотлар қўлланилди. Натижада, турли даражадаги ҳалқасимон тузилмалар ва уларнинг генезиси, тузилиши, шунингдек линеаментлар, ҳамда бошқа космоструктуравий объектларнинг қора, ноёб, қимматбаҳо, нефть-газ ва бошқа фойдали қазилмаларнинг жойлашишида, тарқалишида аҳамиятини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Марказий Осиё ҳудудини қамраб олган ягона «она» тузилма, яъни «Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма» ажратилди ва унинг таъсир доирасида жойлашган барча эндоген ҳалқасимон тузилмалар унинг «йўлдош» тузилмалари эканлиги аниқланди. Ўз навбатида, илк маротаба космоструктуравий объектлар билан боғлиқ бўлган Талас-Фарғона ёриғини юзага келишини ифодаловчи космогеологик гипотеза яратилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ва Минерал ресурслар институти давлат корхонаси илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Зиёвутдин ва Жанубий Нуратау тоғларининг шарқий қисмидаги берк ва ёпиқ истиқболли структураларни теледетекция рақамли маълумотлари асосида яратиш»

(2005-2008 йй.), «Теледетекциянинг рақамли янги материалларини қўллаган ҳолда Жанубий Нурота тоғларининг ғарбий қисмида олтин ва вольфрам маъданлашувининг жойлашув шароитларини ўрганиш» (2009-2012 йй.) лойиҳалари ҳамда бошқа космогеологик ахборотларга асосланган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёнинг космоструктуравий объектлари ва уларнинг фойдали қазилмалар жойлашишидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Осиёда очик ва ёпиқ ҳудудлар бўйлаб муайян космоструктуравий объектларни фазовий, магнитометрик ва тектоник-тузилмавий маълумотлар асосида талқинлаш, ҳамда уларни фойдали қазилма конларни жойлашишида аҳамиятини аниқлаш;

ҳалқасимон тузилмалар ва уларнинг йўлдошларини келиб чиқишини таҳлиллаш, шаклланишини ифодаловчи моделлар тузиш;

«Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма»ни юзага келиш даврини аниқлаш;

Урал ва Манғистау тузилмаларининг давомий йўналишларини аниқлаш; рақамли фазовий тасвирлар асосида Зирабулоқ-Зиёвутдин, Қоратепачақилкалон ва Жом ҳудудларининг очик ва ёпиқ майдонларида ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар ҳамда интрузив массивларни аниқлаш;

Талас-Фарғона ёриғини юзага келишини космогеологик талқинлаш ва таҳлиллаш.

Тадқиқотнинг объекти Марказий Осиё ҳудудидаги регионал тектоник элементлар, металлогеник провенциялар ва нефть-газ бассейндир.

Тадқиқотнинг предмети. Ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар, бурмали камарлар, ботиклар ва фойдали қазилма конлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. «Landsat», «Google Earth», «Google», «Terra Server», «Digital Globe», «Google Maps», «GeoEye», «EarthExplorer», «Bing Maps», «SASPlanet» фазовий тасвирлари, «Index-E II», «Index-E III», «Index-E III» ва бошқа услублар ҳамда Марказий Осиё давлатларининг геофизик, геолого-тузилмавий, топохарита, геохимёвий материалларини талқин этиш ва таҳлил қилиш, шунингдек Erdas Imagine, Global Mapper, ArcMap, Envi, Adobe Photoshop, CorelDRAW, MapInfo ва бошқа замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё ҳудуди миқёсида, муайян космоструктуравий объектлар аниқланган ва уларнинг турли фойдали қазилма конларни жойлашишидаги аҳамияти асосланган;

«Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма» таъсир доирасида жойлашган эндоген ҳалқасимон тузилмалар, унинг йўлдош тузилмалари эканлиги аниқланган;

«Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма»нинг юзага келиш даври асосланган;

Урал ва Манғистау тузилмаларининг давоми денгиз ости, ёпиқ ва нефть-газ бассейни ҳудудлари бўйлаб тарқалиши асосланган;

Зирабулоқ-Зиёвутдин, Қоратепа-Чақилкалон тоғлари ва Жом ботиғи ҳудудларининг очиқ ва ёпиқ майдонларида линеаментлар, интрузив массивлар ҳамда ҳалқасимон тузилмалар аниқланган;

Талас-Фарғона ер ёриғини юзага келиши, янги космогеологик гипотеза билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: геология-қидирув ишларида фойдали қазилмаларни излаш мақсадида истиқболли майдонлар ажратилган.

Жанубий Нуратоғ тизмасининг Олтинқазган майдонида олтин ва вольфрамнинг бошланғич муаллифлик башорат ресурслари аниқланган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа ёндош давлатлар ҳудудига оид бўлган турли хил геологик, фойдали қазилмалар, топографик ва нефть-газ хариталари, рақамли магнит аномалия ва геокимё хариталари ҳамда схемаларга оид ахборотларни таҳлилланганлиги билан асосланади. Маълумотлар базасини янада кучайтириш мақсадида 270 та рақамли фазовий тасвирларга замонавий компьютер дастурлари асосида қайта ишловлар берилганлиги, ҳамда мувофиқ фазовий тасвирлар талқин ва таҳлил қилинганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «она» ҳалқасимон мегатузилма - «Марказий Осиё»ни аниқланиши, Марказий Осиё ҳудудидаги барча эндоген ҳалқасимон тузилмалар унинг йўлдошлари эканлиги билан асосланган. Ўз навбатида, Марказий Осиёнинг турли фойдали қазилма конларини ҳалқасимон мегатузилмалар ва уларнинг йўлдош тузилмаларида жойлашганлиги, келгусида янги истиқболли майдонларни аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марказий Осиёда муайян истиқболли майдонларни ажратилганлиги, Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари ва Жом ботиғининг ёпиқ майдонларида эҳтимоли бўлган бир нечта янги интрузив массивлар ҳамда ёриқларни аниқланиши, шунингдек, Марказий Осиёнинг ҳалқасимон мегатузилмаларида жойлашган фойдали қазилмалар ва ҳалқасимон мегатузилмалар ҳудудининг магнит аномалия майдонлари трансформациясини ифодаловчи хариталарни тузилганлиги ҳамда Қоратепа-Чақилкалоннинг космоструктуравий объектларидаги мавжуд геокимёвий ореоллар, кейинги босқичларда геология-қидирув ишларини жадал олиб боришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёнинг космоструктуравий объектлари ва уларнинг фойдали қазилмаларни жойлашишидаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

очиқ ва ёпиқ майдонлар бўйлаб аниқланган линеаментлар ва ҳалқасимон тузилмалар тизими «Регионал геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси»

ДУК фаолиятига жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 3 майдаги 02/7-сон маълумотномаси). Натижада Зиёвутдин ҳудудида маъданли объектларни ажратишга қаратилган башорат-металлогеник тадқиқотларни самарали олиб бориш имконини берган;

ҳалқасимон мегатузилмаларда жойлашган фойдали қазилма конларнинг космогеологик ва улардаги магнит аномалия майдонларнинг трансформациясини ифодаловчи хариталар «Регионал геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДУК амалиётига жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 3 майдаги 02/7-сон маълумотномаси). Натижада Зирабулоқ ҳудудининг геологик, геофизик, тузилмавий ва фойдали қазилмалар хариталарини тузиш ва янгилашда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш имконини берган;

ёпиқ майдонлар остидаги янги интрузив массивлар ва ёриқлар «Регионал геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДУК амалиётига жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 3 майдаги 02/7-сон маълумотномаси). Натижада Зирабулоқ тоғлари ва Жом ботиғи майдонларида геологик-қидирув ишларини олиб боришга асос бўлиб хизмат қилган;

космоструктуравий объектлар ва геохимёвий ореолларнинг (Au, As, Hg, Sb, Mo ва ҳок.) комплекс маълумотлари «Регионал геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДУК амалиётига жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 3 майдаги 02/7-сон маълумотномаси). Натижада Қоратепа-Чақилкалон ҳудудларида истиқболли майдонларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган геологик-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган. Улардан биттаси ҳаммуаллифликдаги монография, 14 та илмий мақолалар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақолалар, жумладан 9 та мақолалар республика ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби - кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 195 варақдан иборат (иловаларсиз).

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган. Тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Аэрокосмик тасвирлашнинг босқичма-босқич ривожланиши»** деб номланган биринчи бобида аэрокосмик тасвирлашнинг тадрижий ривожланиши, аэрокосмик тадқиқотларнинг тарихи ва тенденцияси ҳақида сўз боради.

Шунингдек, Ўзбекистонда аэрокосмогеологиянинг кенг равишда ривожланишида О.М.Борисов, А.К.Глух, Ш.Э.Эргашев, С.С.Шульц, Ю.И.Лошкин, В.И.Внучков, Ф.М.Баязитова, А.Б.Ражабов, В.Н.Козлов, В.С.Корсаков, Е.И.Барковская, Л.Н.Котляревский, А.Р.Асадов, А.А.Абдурахмонов, А.Р.Авезов, Ж.Т.Рискидинов, А.Қ.Нурходжаев, М.Г.Поторжинский, Р.Х.Саидгариев ва бошқа олимларнинг ҳиссаси беқиёс эканлиги, ҳамда улар томонидан ҳалқасимон тузилмалар ва линеаментлар, уларнинг маъдан эритмаларини тарқалишида тутган ўрни, шунингдек моддий-тузилмавий элементларнинг ер қобиғи тузилишини физик-кимёвий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилганлиги таъкидланади (О.Т.Зокиров в.б., 2018).

«Рақамли масофавий тасвирларга қайта ишлов беришнинг замонавий услублари ва ахборот турлари» деб номланувчи иккинчи бобда аэрокосмик тасвирлашнинг асосий турлари, рақамли фазовий тасвирлаш ва масофавий зондлаш воситалари, рақамли матрица ва ер юзидаги қайта ишловчи воситалар, рақамли фазовий тасвирлашни сифатини оширувчи усуллар ҳақида тўхталиб ўтилади. Хусусан, бугунги замонавий дунёни юқори суръат билан ривожланиб бораётган сунъий йўлдошларсиз тасаввур қилиш қийин. Асосий эътибор, ахборотдорлик даражасини кучайтирувчи, муваффақиятлар калити бўлмиш – сканерлар, радиометрлар, сенсорлар, камералар, радиолокаторлар, детекторларни модернизациялаштиришга қаратилган. Чунки, юксак ишончни оқлайдиган, тараққий этган технологияларни кашф этиш ва ундан фойдаланиш ҳар қандай мамлакат учун долзарб ҳисобланади (О.Т.Зокиров в.б., 2018).

«Рақамли фазовий тасвирларни талқинлаш аломатлари ва услублари» деб номланувчи учинчи бобда талқинлаш аломатлари, геоботаник индикация ва уни фойдали қазилма конларини аниқлашда тутган ўрни, автоматик талқинлаш услуби, нигоҳий талқинлаш ва таҳлиллаш услуби атрофлича ёритилган. Аэрокосмик суратларни «талқинлаш» кенг мазмунда қўлланилиб, инсон кўзи билан анатомик ўзвий боғлиқ бўлган «мияда» кечувчи, шиддатли ўй-ҳаракат ва фикр-мулоҳазаларни, яъни кузатиш, изоҳ, шарҳ, таъбир, тушунтириш, ўйлаш, муҳокама ва мушоҳада, баҳолаш, аниқлаш, очиш, топиш, таҳлиллаш, таснифлаш, тавсифлаш каби жараёнларни бир вақтни ўзида қамраб олади.

Космогеолог, аэрокосмогеологик маълумотларни талқинлаш ва таҳлиллаш асосида, илм-фан тараққиётини янада оптималлаштириш йўлида бир неча юз минг, миллион ёхуд миллиард йиллар аввали ҳосил бўлган

геообъектларнинг қолдиқларини, изларини бевосита ва бавосита қайта тиклаш орқали эволюцион геологияни, яъниким ўтмишнинг мозаикасини тадрижий яратишга ва шу аснода, табиатда рўй берган воқеа-ҳодисаларни моҳиятини очишга интилади. Бунда, аэрокосмик суратларни талқинлашда кенг тарқалган ва тан олинган ҳалқаро, махсус 2 та - нигоҳий ва автоматик услублар кенг қўлланилади. Иккала услубнинг таянчлари сифатида «бевосита» ва «бавосита» каби талқинлаш аломатларидан фойдаланиш тадқиқотимизнинг ўзига хос моҳияти ҳисобланади. *Бевосита аломатлар* деб - муайян чегаралар, ўзига хос тасвир, ранг, ўлчам, геометрик шакл, тус, соя, сейсмик ўчоқлар ва конлар жойлашуви, рельеф каби белгиларни аэрокосмик суратлардаги объектлар ёки табиий ҳолатларни бевосита, яъни тўғридан-тўғри мавжудлигига йўналтирувчи ишораларга айтилади. Масалан «шакл ва ўлчам» аломатларига баҳо берадиган бўлсак, бунда инсон барпо этган объектлар (боғлар, тўғонлар...) кўриниши билан табиат томонидан яралган объектлар (ўрмонлар, кўллар...) кўриниши ўртасида аниқ тафовутлар бор. *Бавосита аломатлар* деб – аэрокосмик суратлардаги объектлар ёки табиий ҳолатларни борлигига аниқ ва тўғридан-тўғри эмас, балки маълум воситалар орқали ишора берувчи белгиларга айтилади. Бундай воситаларга инсон фаолияти билан боғлиқ антропоген хусусиятлар, тупроқлар, ўсимликлар дунёси, конлар, гидрографик тизимлар (қудуқлар, дарёлар) ва ҳок. мисол бўлади. Объектлар ёки ҳолатларни тасвирда борлигини билдирувчи бевосита аломатлар намоён бўлмаганда, ёхуд акс этмаган тақдирда, уларни мавжудлигини билдирувчи ёки ишора берувчи бавосита аломатлардан фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутди. Бундай аломатларни индикаторлар деб ҳам аташади. Масалан, 2018 йилда АҚШ Мудофаа вазирлиги (DARPA)³ «Ўсимликшуносликнинг энг яхши технологиялари» ноодатий дастурини ҳаракатга келтирган. Мақсад, фазовий тасвирларни талқинлаш ёрдамида ўсимлик-индикаторлардан айғоқчи сифатида фойдаланиш ва уларни модификациясини ўзгартириб, рақиб томоннинг ҳудудини, фойдали қазилма турларини, маъдан конларини, сув захираларини, ер ости сақланиш жойларини ва бошқа кўп ахборотлардан бохабар бўлиш ва кейинчалик ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир. Ўсимлик-индикаторлар ёрдамида рақиб ҳудудида никель, магний, алюминий, вольфрам, молибден бор ёки йўқлигини аниқлаш ва шу орқали қамал ёки санкция йўли билан мувофиқ мол ёхуд товарлар билан боғлиқ савдо-сотикни узиб қўйиш мумкин. (А.Оверчук, 2018).

Таъкидлаш керакки, фазовий тасвирлар ёрдамида Ер юзаси ва Қуёш тизимидаги бошқа жисмларда линеаментларни, ҳалқасимон тузилмаларни нигоҳий талқинлашда кўп вақт ва куч талаб қиладиган субъектив жараён ҳам иштирок этади. Ушбу жараённи автоматлаштириш эса, қийинчиликларга ён берган ҳолда юқори тезкорлик, иқтисодий тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди. Аммо, линеаментлар ва ҳалқасимон тузилмаларни автоматик тарзда аниқлаш тарзидаги бундай ёндашувлар бирмунча нуқсон ва камчиликларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Энг муҳимлари

³<https://vz.ru/society/2018/1/24/904941.html> манбаси асосида ишлаб чиқилган.

қўйидагилар: аниқланган линеаментлар ва ҳалқасимон тузилмаларни ишончлилиқ, ҳаққонийлиқ даражасини унча юқори эмаслиги; тасвирларда кучсиз ва тарқоқ ҳолда ифодаланган линеаментлар ва ҳалқасимон тузилмаларни аниқлаш имкониятларини чегараланганлиги; линеаментлар ва ҳалқасимон тузилмаларни талқинлашда ва таҳлиллашда қўлланиладиган турли-туман ва ҳар хил даражадаги геомаълумотлар интеграциялашувини чегараланганлиги ва ҳок. (Фам Суан Хоан, 2012).

Фазовий тасвирларни нигоҳий талқинлаш эса, талқинловчининг қобилияти, тажрибаси, билим салоҳияти, ҳамда руҳий ва руҳий-жисмоний имкониятларига боғлиқ. Ва яна талқинлашнинг энг муҳим таянчи – мантиқан идрок этишдир. Бевосита ва бавосита аломатларни қўллаган ҳолда, нигоҳий талқинлашнинг ўзига хос устунлиги – бу омилкорлик, енгиллик ҳамда кенг қўламдаги маконий умумаҳборотларни бир вақтни ўзида тезкорлик билан қабул қилиш ва таҳлиллаш, шунингдек ҳозирги пайтда машиналарда йўқ бўлган мантиқий фикрлаш ва ички сезгирликнинг мавжудлигидир. Ўз навбатида бу усулнинг камчиликлари ҳам мавжуд, асосийлари: субъектив жараённинг иштироки ва талқинловчининг чуқур билим даражаси ва кўникмаларига боғлиқлиги.

Масофавий услублар ёрдамида нигоҳий талқинлаш, космогеологик тадқиқотимизнинг энг муҳим қисми ҳисобланади, чунки инсон кўзи ва мияси ҳозирча техник воситалар англаб етмайдиган, тасвирлардаги алоҳида аномалиялар ва ранглардаги нозик хусусиятларни аниқлаш ва таҳлиллаш қобилиятига эга.

«Ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар, интрузив объектлар ва уларнинг талқиний натижалари» деб номланувчи тўртинчи бобда Марказий Осиёнинг турли типдаги ҳалқасимон тузилмалар, линеаментлар, ҳамда уларни магнитометрик маълумотларда⁴ ёритилиши, очик ва ёпик майдонлардаги интрузив массивларни рақамли фазовий суратларда аксланиш хусусияти кенг таърифланади.

«Ҳалқасимон тузилмалар» дейилганда, одатда марказий зонадан (ядро), ер юзасида айлана, эллипс, ҳалқалар ҳосил қилувчи концентрик ва радиал структура элементлари тизимидан иборат, келиб чиқиши турлича бўлган геологик таналар тушунилади (Т.Н.Долимов в.б., 2006).

Ўз навбатида, Марказий Осиё худудида Қозоғистон ва унинг атрофидаги худудларни ўзига қамраб олган, диаметри 2,5-3,0 минг км бўлган улкан нуклеар ҳалқасимон тузилма ажратилган бўлиб, уни пайдо бўлишида мантиянинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади (А.Б.Байбатша, 2018).

Ҳалқасимон тузилмалар ўлчамлари бўйича 5 та синфларга ажратилган: микротузилма (10-15 км.гача), минутузилма (дастлабки ўнлаб км), мезотузилма (ўнлаб км.дан, то 150 км.гача), макротузилма (дастлабки юзлаб км), мегатузилма (юзлаб км.дан, минглаб км.гача) (Я.Г.Кац в.б., 1989). Тадқиқотимиз давомида фазовий тасвирлар асосида талқинланган диаметри нафақат 1800 километргача, балки ундан ҳам ортиқ бўлган улкан ҳалқасимон

⁴<http://models.geomag.us/wdmam.html> манбаси асосида ишлаб чиқилган.

тузилмаларни «ҳалқасимон мегатузилмалар» сифатида ажратдик ва қуйида айримлари тўғрисида тўхталиб ўтамыз.

Ҳалқасимон мегатузилма № 1 – диаметри 1800 километрдан ортиқ бўлиб, деярли тўлиқ Тянь-Шань худудини, Шимолий Помир тоғларини, Қозоғистонни катта қисмини, Қирғизистонни, Тожикистонни, ҳамда Афғонистон, Туркменистон, ҳамда бавосита Хитойни шимоли-ғарбий худудларини маълум қисмини қамраб олади. Ушбу тузилма тадқиқотимизнинг бош бўғини бўлиб, юзлаб балки, минглаб кичик, ўрта ва йирик ўлчамдаги эндоген ҳалқасимон тузилмаларни, ҳамда бир нечта тектоник циклар ва бир нечта Марказий Осиё мамлакатларини ўз бағрига олган бирламчи, ўта қадимий ва «она» (материнский) ҳалқасимон мегатузилма ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тузилмани «Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилмаси» (МОҲМТ) деб номладик. МОҲМТ нинг шимоли-ғарбий қаноти бўйлаб Турғай дарёси, шимолий қаноти бўйлаб Есиль дарёси, шимоли-шарқий қаноти бўйлаб Иртиш дарёси, жанубий ва жануби-ғарбий қанотлари бўйлаб эса Амударёе дарёси оқиб ўтади. Ғарбий ва шарқий қанотларида Орол денгизи, ҳамда Алақул ва Зайсан кўллари жойлашган. Умуман олганда МОҲМТ ва атрофидаги геологик фаол ҳаракатлар натижасида унинг контурлари бўйлаб юзага келган бир қатор узилмалар бузилишларни, яъни Амударёе ер ёриғи, Орол ботиғи, Турғай ер ёриғи, Есиль ботиғи, Иртишолди ботиғи, Зайсан ботиғи ва шу қабиларни кузатиш мумкин. МОҲМТ бевосита ва бавосита талқиний аломатлар (шакл, рельеф, ёриқлар, ўсимлик ва сув тизимлари) асосида ажратилган. МОҲМТ нинг жануби-ғарбий қаноти, ҳалқасимон мегатузилма № 4 (қуйида), яъни «Қизилқум ҳалқасимон мегатузилмаси» чегаралари билан тутшиб ўтади. Жанубий ва шарқий чегаралари эса ҳалқасимон мегатузилма № 5 (қуйида), яъни Хитой-Ҳинд ҳалқасимон мегатузилмаси томонидан буткул парчаланган. Хусусан, МОҲМТ нинг Тарим ботиғидаги бавосита шарқий чегараси бўйлаб, тузилманинг диагональ йўналишдаги ёйсимон, магнитометрик аномалиясининг кузатилиши МОҲМТнинг жануби-шарқий чегараси Тарим ботиғидаги чўкинди қатламлар остидан ўтганлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, МОҲМТ нинг доиравий контурлари бўйлаб турли хил фойдали қазилма конлар, жумладан (Гургуртли, Ачак, Самантепа, Кирпичли, Кулбешкак), темир (Тебинбулоқ, Кўкбулоқ, Сор, Киров), қўрғошин (Белоусов, Қуҳитанг), титан (Кумколь, Караоткель), комплекс металллар кони (Au, Zn, Ag) Майкаин ва ҳоказолар жойлашган.

Ҳалқасимон мегатузилма № 5 – диаметри шарқий кенглик бўйича 2800 километрдан зиёд, шимолий кенглик бўйича эса 2000 километрдан ортиқ, ҳамда Хитойнинг бутун ғарбий худудини, яъни мамлакатнинг умумий худудини 1/3 қисмини эгаллайди. Ҳалқасимон мегатузилманинг жанубий қанотлари асосан Ҳиндистон ва Хитой худудларида жойлашганлиги учун, ушбу тузилмани «Хитой-Ҳинд ҳалқасимон мегатузилмаси» (ХҲҲМТ) деб номладик. ХҲҲМТ нинг шимолий, ғарбий, жанубий қанотлари доирасида, тўлиқ ёки қисман турли мамлакатлар худуди жойлашган, жумладан:

Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Бангладеш, Бутан, Мьянма. ХХҲМТ нинг жанубий ва жануби-ғарбий қанотлари дунёнинг энг баланд чўққиларини ўзида бирлаштирган (Эверест-Жомолунгма, Намча Барва, Нанда Деви ва ҳок.) машҳур Ҳимолай тоғ тизмаларидан иборатдир. Ғарбий қанотлари эса Кухистон, Помир, Алай ва Тянь-Шань тоғ тизмаларидан ташкил топган. Шимолий қаноти эса, трансконтиненталь ер ёриғи ва Мўғул Олатоғ тизмаси бўйлаб ўтади. Шунингдек, ҳосил бўлиш жараёнида ушбу ҳалқасимон мегатузилманинг ғарбий қанотлари, ҳамда мавжуд трансконтинентал ер ёриқлари аввал юзага келган қадимий ҳалқасимон тузилмалар бўлмиш МОҲМТ ва ЖТҲМТ (Жанубий Тяньшан ҳалқасимон мегатузилма) нинг шарқий чегараларини буткул парчалаган. ХХҲМТ нинг доиравий контурлари чегарасида кўплаб фойдали қазилма конлар жойлашган, масалан: нефть-газ (Чудон, Хунтай, Хуанань, Трезубец, Зареч), олтин (Солтон Сары, Гульчи, Кумбель, Шарқий Норин, Отбоши), кўрғошин ва рух (Хулауле, Кандебас, Пхакува, Бхалучапра), мис (Алмора, Бхас-Кхола, Манджхи-Кхола), алюминий (Риаси, Пунч), хром (Барамула) ва бошқалар шулар жумласидандир.


Ўз навбатида муаллиф ушбу фикрларни билдиради: мантияда, эҳтимол ядрога ҳам, ҳосил бўлган энергетик оқимлар йиғилиб, қуюқлашиб, ҳажми кенгайиб, жипслашиб сиқила боради ва бунда зичлик, ҳамда қаршилиқ ошади. Ташқи литосфера босимига нисбатан ички босим ва қаршилиқни кучайиб энг юқори нуқтага етиши ва ундан ошиши, юзага келган қудратли ва шиддатли энергетик оқимларни ер юзига вертикал равишда, ўқтин-ўқтин зарбали импульсларни амалга оширишига сабабчи бўлади. Ва бунда муайян макондаги ётқизиклар бўйлаб дарзликлар, бўшлиқлар ва ёриқлар пайдо бўлади. Бу эса ялпи энергетик оқимларни, яъни газга тўйинган суюқ, ҳаракатчан фазаларни тезда сингиб киришига, ҳамда юқорига олға интилишига туртки беради. Натижада ер юзида энергетик ўчоқларнинг маҳсулотларини ташилишига ва тарқалишига сабабчи бўлувчи радиал, концентрик, каркасли тузилмалар, яъни ҳалқасимон тузилмалар пайдо бўлади. Юқорида келтирилган материаллардан хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиёдаги, жумладан Ўзбекистондаги кичик ўлчамли барча эндоген ҳалқасимон тузилмалар, «Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма» нинг (1-расм), яъни бирламчи «она» тузилманинг йўлдош ҳалқасимон тузилмалари ҳисобланади.

Архейда ва протерезойда аввалдан ҳалқасимон мегатузилмалар мавжуд бўлиб, Ер юзи рельефида улкан шакл сифатида ажралиб туришган (А.Р.Ярмухамедов в.б., 2001).

Шу кунгача аниқланган ҳалқасимон тузилмаларнинг қарийб $\frac{3}{4}$ қисми Ернинг охириги 3 миллиард йил давомида геологик ривожланиши натижасида ҳосил бўлган, қолганлари эса йирик метеоритларнинг қулаши оқибатида юзага келган. Тадқиқотчилар, дастлабки ўлчамлари юзлаб километр бўлган ҳалқасимон макротузилмаларни, ҳамда ўлчамлари анча-мунча юзлаб ва дастлабки 1000 км бўлган ҳалқасимон мегатузилмаларни мантия ўчоғи билан

боғлашган ва полиген сифатида литосферанинг қадимий ҳалқасимон шаклларида деб ҳисоблаб, «нуклеарлар» деб аташган (Я.Г.Кац в.б., 1988, 1989). Кўкчатов ҳалқасимон мегатузилма (КХМТ) генезиси, ўлчами ва жойлашган маконига кўра Марказий Осиё ҳалқасимон «она» мегатузилманинг бағрида жойлашган шимолий йўлдош тузилмаси ҳисобланади, ҳамда унинг майдонида бир нечта массивлар - Кўкчатов, Алтибай, Кишкентай, Степняк, Калмикуль ва ҳок. жойлашган.

Умуман, мегатузилмани пойдевори архей-қуий протерозойдан иборат бўлган Кўкчатов-Шимолий Тяньшан кичик қитъаси сифатида тилга олинади



1-расм. Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилмани, рақамли фазовий тасвирда тасвирланиши (О.Т.Зокировнинг талқиний маълумоти асосида).

(Т.Н.Долимов в.б., 2006). Яна, гранитлашган токембрий пойдеворли Кўкчатов блоки деб, таъкидланади (А.А.Поцелуев в.б., 2014). Шунингдек, Кўкчатов токембрий метаморфик қатламларидан иборат бўлган қадимий антиклинория деб қайд этилади (А.И.Суворов, 1968). Ўз навбатида, Марказий Қозоғистонда токембрий пойдевор массивлари Кўкчатов, Улутау, Шарқий Бетпак-Дала ва Шимолий Тяньшаннинг шимолий тоғ тизмаларини ядросида ер юзига чиққанлигини таъкидланади (В.Е.Хаин в.б., 1977). Аввал, анъанавий уран-кўрғошин усулида Кўкчатов массивининг шаклланиш вақти 1800 дан 2600 млн.гача эди. Янада аниқ маълумотлар эса, унинг атрофида жойлашган Степняк массивининг диоритлардаги цирконни ўрганиш даврида аниқланди, яъни Хитой илмий академиясининг лабораториясида муайян уран-кўрғошин усулида архей санаси аниқланди (жадвал). Степняк массиви тўғрисида келтирилган маълумотлар, Кўкчатов массивини архей кратонининг бўлақларидан бири деб ҳисоблаш имконини беради (П.В.Ермолов, 2015).

Марказий Осиё худудида, токембрий даври ётқизиқлари нафақат мезо-кайнозой ғилофи остида, балки ер юзасида ҳам етарлича ривожланган. ЖТХМТ, КХМТ, ШТХМТ (Шимолий Тяньшан ҳалқасимон мегатузилма), БХМТ (Баянаул ҳалқасимон мегатузилма) ларнинг эҳтимолий қадимийлиги тўғрисида қуйидаги таҳлилловчи хулосаларни билдириш мумкин:

Жадвал

Степняк массиви диоритларида цирконнинг мутлоқ ёшини аниқланишига доир натижалар

Намуна №	$^{208}\text{Pb}/^{238}\text{U}$ Ёши	$^{207}\text{Pb}/^{235}\text{U}$ Ёши	$^{207}\text{Pb}/^{208}\text{Pb}$ Ёши
Still-4.2	3890±31	3889±11	3888±1

1. Тузилмалар олдинроқ юзага келган ва кейинчалик уларнинг бағрида, уни ёриб чиққан ёш токембрий даври ётқизиқлари юзага келган. Бу эса, тузилмаларнинг ёши қадимий ва токембрий даврида юзага келганлигидан далолат беради;

2. Тузилмаларнинг ёши фанерозой билан боғлиқ деб ҳисобланадиган бўлса, унда ушбу мегатузилмалар вужудга келиш жараёнида пойдеворидаги токембрий даври тоғ жинсларини ҳам ўзи билан бирга юзага ёки унга яқин жойга олиб чиққан. Агарда, тадқиқотчиларнинг маълумотларига таянадиган бўлсак, яъни фанерозой бурмали областлардаги замонавий тадқиқотлар натижаларига кўра, палеозой қатламлари орасида кам даражада ривожланган метаморфик гранит-гнейс гумбазлар ёки фрагментлар, уларнинг асосида токембрий пойдевор мавжуд эканлигидан далолат берувчи тўғридан-тўғри геологик исбот эканлигини инобатга олинадиган бўлса (Я.А.Косалс в.б., 1988), ШТХМТ, КХМТ, БХМТ, ЖТХМТ худудларида етарли даражада токембрий даври ётқизиқлари тарқалган. Ўз навбатида, бу тузилмалар «Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилма» нинг (МОХМТ) бағрида ҳосил бўлган, ҳамда унинг йўлдошлари ҳисобланади, яъни уларнинг пойдеворида, бирламчи «она» тузилма бўлмиш МОХМТ нинг геологик танаси ётибди. Бу эса, юқорида қайд этилган хулосаларни, МОХМТ ни яна бир бор токембрий даврида ҳосил бўлганлигига ва ўта қадимий, нуклеар ҳалқасимон тузилма эканлигидан яққол далолат беради.

Муаллиф, фазовий тасвирларни талқинлаш жараёнида олинган рақамли ахборотларга таяниб, Шимолий Тяньшан бўйлаб ўтган айрим ер ёриқларини очик ва ёпиқ қатламлар орқали Урал тоғлари билан бирикиши мумкинлиги, Урал тоғларининг ёпиқ қатламлар остидаги давоми эса, Манғистау тузилмасига тақалиши мумкинлиги, ҳамда Манғистау тузилмасини ғарбга томон бир нечта тармоқларга бўлинган ҳолда, бир неча минг километр узунликда давом этиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келди. Унга кўра, Шимолий Тяньшаннинг шимолидан ёнлаб ўтган, узунлиги 1000 километрга яқин ва 1450 километрдан зиёд бўлган 2 та йирик ер ёриғи шимоли-ғарбга томон йўналади. Биринчи ер ёриқ Муюнқумнинг шимолий қисмидан Чу дарёси ёқалаб ғарбга йўналади ва Марказий Осиё ҳалқасимон мегатузилманинг (МОХМТ) шимоли-ғарбий қанотини Иргиз ботиғи ва Иргиз

дарёси йўсинида кесиб ўтган ҳолда, Урал тоғларининг жанубий тармоғи бўлмиш Мугоджар тоғ тизмаларига бориб тақалса, унга параллель йўналишда Муюнқумнинг жануби-ғарбий қисми бўйлаб иккинчи ер ёриғи ҳам, МОХМТ ни кесиб ўтади ва Катта Барсук чўлини шимолий тарафидан ҳаракат қилган ҳолда Мугоджар тоғ тизмалари билан бирлашади. Мугоджара тоғ тизмаларининг узунлиги 200 км, кенглиги 30 км, ўртача баландлиги 450-500 метр бўлиб никель, кобальт, хромит, мис, қора ва ноёб металлларга бойдир. Унинг шимолидаги Кампирсой ҳудудида эса Хромтау, Никельтау каби бир нечта шахталар очилган (А.Г.Исаченко в.б., 1989). Фазовий тасвирларнинг олинган талқиний ахборотларига кўра, Урал тоғлари (Ғарбий Урал) Мугоджара тоғ тизмалари (Шарқий Урал) билан биргаликда жанубга томон йўналади ва Манғистау тузилмаси билан бирлашади. Манғистау йирик “Манғишлоқ стронций провинцияси” сифатида ном қозонган. Бу ерда Тобешик, Унгози, Ауртас-Ушқуи, Узен, Жанаул ва бошқа маъдан майдонлари аниқланган. Шунинг билан бирга, бу ерда уран конлари (Меловое, Тасмурун, Тайбагар, Садырнын), углеводород конлари (Жетыбай, Узень, Янги Узень), темир конлари (Бескемпир, Темиртаушик) ва бошқа конлар ҳам мавжуд (Г.Р.Бекжанов в.б., 2004). Ўз навбатида, Манғистау тузилмаси ғарбга томон бир неча минг километр узунликда давом этади ва бир нечта тармоқларга бўлиниб кетади. Рақамли магнитометрия харитасида биз ушбу тузилмаларни ер усти ва ер ости, ҳамда бир нечта денгизларнинг туби бўйлаб ҳаракатланган ва акланган магнит аномалияларини кузатишимиз мумкин. Бунда Манғистау тузилмасининг бир тармоғи Каспий денгизи – Россия – Белоруссия - Болтиқбўйи давлатлари томон, иккинчи тармоғи Ладога кўли томон, учинчи тармоғи Болтиқ денгизи – Швеция томон, тўртинчи тармоғи Украина томон чўзилади.

